Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 16 январь • № 2 (1023)

*Маҳорат дарслари*

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

### энг устувор ва улуғвор вазифадир



**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Маҳорат дарслари” тўғрисидаги 125-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг ҳудудларда маҳорат дарсларини ташкиллаштириш бўйича чиқарилган фармойиши асосида 2015 йилнинг 5-10 январь кунлари бўлиб ўтган ижтимоий акция доирасидаги тадбир самарали кечди.**

Ушбу маҳорат дарсларида пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда илмий-текшириш институтларининг етук олим ва мутахассислари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тадбирда иштирок этган соҳа мутахассисларининг фикрларига қараганда маҳорат дарслари доирасида ўтказилган мураккаб операция жараёнлари, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ва долзарб мавзудаги лекциялар муваффақиятли амалга оширилиб, вазирликнинг 125-сонли буйруғида назарда тутилган мақсадлар ўз ифодасини топди, десак хато қилмаган бўламиз.

Бўлиб ўтган тадбир хусусида иштирок этган соҳа мутахассислари қуйидагича фикр билдирдилар.

**Мирҳаким АЗИЗОВ,**
**Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори:**



– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган “Маҳорат дарслари” муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соҳа мутахассислари малакасини ошириш билан бирга, жойларда ўтказилаётган операция жараёнлари ва аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш улар учун кенг қулайликларни яратмоқда. 2015 йилнинг 9-10 январь кунлари вазирлик фармойишига асосан, институтимиздан 4 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 4 нафар тиббиёт фанлари номзодлари Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида бўлиб, ушбу ижтимоий акцияда фаол иштирок этдилар. Мутахассисларимиз асосан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда вилоят болалар кўп

**(Давоми 2-бетда).**

*Дил изҳори*

## СИЗГА ТАЪЗИМ, ШИФОКОРЛАР!

Инсон ҳамиша эзгуликка интилиб яшайди. Кимнингдир дардига дармон бўлиб, дуосини олиш эса олий бахтдир. Чунки, халқ фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-тиббий ҳимояси давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси бўлмоқда.

Кўп йиллардан буён турли клиникаларда даволаниб келдим. Меҳнат фаолиятим ўзини ўзи бошқариш органлари иши билан боғлиқ бўлганлиги боис, асаб тизимимда жиддий ўзгаришлар кузатилгач, Тошкент шаҳридаги 1-марказий клиника шифохонасига мурожаат қилдим. Клиника бош врачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Нилуфар Аҳмедованинг мени очиқ чеҳралик билан кутиб олиб, касаллик тарихи, шу кунгача олиб борган барча даво муолажаларимни чуқур ўрганиб, ўз маслаҳатларини бердилар. У кишининг беморларга нисбатан ширинсуханлик билан муомала қилишлари, раҳбарга хос одоби дардимни янада енгиллаштирди. Мен клиниканинг асаб касалликлари бўлимида даволандим. Бўлим шифокори Шоҳиста Қодирова ҳақида қанча гапирмайлик, озлик қилади. У ўз билими ва кўп йиллик тажрибаси билан мени қайта текширувдан ўтказиб, соғлигимни тиклаш учун бор куч ва имкониятларини аямади. Эътиборимни тортган нарса шуки, нафақат бўлимда, балки клиникада тозалик, озодалик ва саранжом-саришталик бош қоида, дастуриламал эканлигининг гувоҳи бўлдим. Энг асосийси, клиника раҳбари Н. Аҳмедованинг оқилона иш фаолияти туфайли бўлимларда соғлом муҳит шаклланган экан. Ҳамма ходимлар бир-биридан хушмуомала. Бўлим бошлиғи Шоҳиста Қодированинг маслаҳатларига амал қилиб, керакли муолажаларни олдим. У кишининг доимий назорати остида саломатлигим тикланди. Бу жараёнда физиотерапия бўлими бошлиғи Сайёра Азизжонованинг ҳам хизматлари катта бўлди. Чунки, олган муолажаларим қисқа вақт ичида ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бири-биридан чаққон ва меҳрибон ҳамширалар Муниса, Камоланинг ёрдами билан кундалик муолажаларим аъло даражада бажарилди. Шу билан бирга, клиниканинг малакали офтальмологи Зулфия Болтаеванинг олиб борган текширувлари мени янада кўриш органларимни асраб-авайлашга бўлган масъулиятимни оширди. Ширинсўз, ўз касбининг билимдони Зулфия Болтаевага ўз миннатдорлигимни билдираман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, 1-марказий клиника шифохонаси бош врачи Нилуфар Аҳмедовага, асаб касалликлари бўлими мудири Шоҳиста Қодировага, бўлимдаги барча тиббиёт ходимларига, физиотерапия бўлими мудири Сайёра Азизжоноваларга дил изҳоримни билдираман. Уларга халқ саломатлигини сақлаш йўлидаги ишларига зафарлар тилайман.

**Ҳурмат билан**
**Ҳикоят ТОЛИПОВА,**
**Навоий вилояти, Кармана тумани.**

Инсонлар саломатлиги учун фидойи меҳнат қилиб, кези келганда тунларни тонгларга улаб, бемор қалбларга нажот бахш этувчи шифокорлар хизматини қанчалар мадҳ этсанг-да озлик қилади. Ана шундай ўз касбининг моҳир усталари бўлган малакали мутахассисларни Андижон Давлат тиббиёт институти тасарруфидаги вертебрология бўлимида учратишингиз мумкин. Ўтган йилнинг ноябрь ойида укам Ойбек Ёқубов бел соҳасида қаттиқ оғриқ билан ушбу бўлимга мурожаат қилган эди. У ердаги тажрибали шифокорлар Ойбекнинг саломатлигини текшириб кўргач, унда бел чурраси борлиги ва тезда операция қилиниши зарурлигини айтишди. Операция Вертебрология илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Олимжон Абдуҳолиқов раҳбарлигида муваффақиятли амалга оширилди. Укам Ойбекнинг саломатлигини тиклашда бўлим даволовчи врачи Азизхон Тўрахонов, реанимация бўлими мудири Абдумалик Маҳмудов, ҳамширалар Роҳатой Мамажонова, Ирода Назарова, Мафтунахон Комиловаларнинг хизматлари катта бўлди. Айниқса, уларнинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги, камтарлиги, ўз касбига бўлган садоқати икки йил давомида оғриқ билан азоб чеккан укамни дарддан фориғ этди. Юқорида тилга олинган машаққатли касб эгаларига чексиз миннатдорлигимни билдириб, халқимиз бахтига омон бўлишларини чин дилдан истаб қоламан.

**Раъно ЁҚУБОВА,**
**Андижон вилояти.**

*Маҳорат дарслари*

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

## энг устувор ва улуғвор вазифадир

тармоқли тиббиёт марказларида бўлиб, травматология ва ортопедия йўналишидаги замонавий даволаш усуллари тўғрисида 12 та долзарб мавзуда лекция тақдим этишди. Унда вилоят миқёсидаги травматолог, ортопед, кардиохирург, нейрохирург ва физиотерапевтлар қатнашдилар. Албатта, бу лекциялар соҳа мутахассислари орасида баҳс-мунозарага бой бўлиб, кўплаб янги таклиф ва фикрлар ўртага ташланди. Шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 9 нафар катта ёшдаги, вилоят болалар кўп тармоқли марказида 6 нафар болада операция амалиётлари бажарилиш пайтида институтимиздан 1 нафар мутахассис ҳамда маҳаллий шифокорлар ҳамкорликда ишлашди. Бундан ташқари, 200 дан ортиқ аҳоли замон талабларига жавоб бера оладиган Қарши шаҳридаги маслаҳат поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтказилди. Олиб борилган операциялар маҳорат дарсларида иштирок этган мутахассисларга онлайн тарзида узатилди. Мутахассис сифатида эътироф этмоқчиманки, Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва маслаҳат поликлиникасида аҳоли ҳамда тиббиёт ходимлари учун яратилган шароитлар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олади. Шу билан бирга, мураккаб операцияларни амалга оширишда замонавий аппаратуралардан фойдаланилиши ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Албатта, бундай нуфузли даражадаги ижтимоий акция доирасида ўтказилаётган тадбирлар аҳоли саломатлигини сақлаш ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Хоразм вилоятидан журналист Мафтуна Рўзиматова, "Маҳорат дарслари" тўғрисида қуйидагича хабар қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 125-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Республика нейрохирургия илмий марказининг бир гуруҳ ходимлари Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлимига ташриф буюрдилар.

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 125-сонли буйруғи нафақат тиббиёт ходимлари, балки аҳоли учун ҳам қулайликлар кўламини оширди, – дейди Хоразм вилоят бош нейрохирурги, тиббиёт фанлари номзоди Баҳодир Эшчонов. – Нейрохирургия марказидан ташриф буюрган етук мутахассислар Сергей Перфильев ва Уйғун Алтибаев 5-9 январь кунлари нейрохирургия бўлимида ва вилоятнинг шаҳар, туманларида бўлиб, 50 дан зиёд беморларни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Шу билан бирга, маҳаллий мутахассислар учун маҳорат дарслари ташкил қилиниб, нейрохирургиянинг долзарб масалалари юзасидан маърузалар тингланди.

– Бу каби "Маҳорат дарслари"нинг ўтказилиши ўз фаолиятини яқинда бошлаган ёш шифокорларнинг билимини янада оширди. Нейрохирургия марказидан ташриф буюрган етук мутахассислар Сергей Перфильев ва Уйғун Алтибаевларнинг иш тажрибалари, беморлар билан мулоқотлари, даволаш усулларини кузатиб, ҳали янада кўпроқ ўқишим ва изланишим кераклигини тушундим, – дейди нейрохирургия бўлими ёш шифокори Ойбек Оллоберганов. – Назаримда, шифо аҳли билим олишдан, ўз устида ишлашдан асло тўхтамаслиги, ҳар дақиқани қадрлаб, ундан унумли фойдаланиб қолиши керак. Ушбу "Маҳорат дарси"дан биз ёш шифокорлар жуда катта кўникма ҳосил қилдик. Унда қатнашганлигим менга катта сабоқ берди.

– Аҳолига кўрсатилаётган бундай эътибордан биз кексалар жуда мамнунмиз. Даволанишимиз учун Тошкентга боришимиз осон эмас. Пойтахтимиздан ташриф буюрган мутахассислар ва урганчлик етук нейрохирург Баҳодир Эшчонов уйимизга келиб, менинг ҳолимдан хабар олишди. Шифокорлар орасида ёшларни ҳам учратдим. Мана шу тадбирлардан, устозларнинг жонкуярлигидан кераклигича хулоса чиқариб, улар каби бўлишга интилишади, деб ўйлайман. Халқимиз саломатлиги учун барча шароитларни яратаётган Юртбошимиздан жуда миннатдорман, – дейди хивалик отахон Файзулло Ҳайдаров.

**Ибодат СОАТОВА.**

*Огоҳлик – давр талаби*

# ОДАМ САВДОСИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***XXI аср умумбашарият ҳаётига техника асри сифатида кириб келди. Ҳақиқатан ҳам турмушимизнинг қайси жабҳасига назар ташламайлик, техник имкониятлардан кенг фойдаланмоқдамиз. Техноген ривожланиш асрида вужудга келган кўплаб муаммолар одамзотни ташвишга солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, инсоният ҳаётини хавф остига қўяётган одам савдоси бугунги куннинг долзарб масаласидир.***

**Ҳурматли ҳамюртлар, чет элда ишлашни хоҳлаганлар учун қонуний тартиб-қоидалар мавжуд, фақат шундан фойдаланган фуқароларгина ўз ҳаётини хавф остига қўймайди, буни унутманг.**

**Чет элда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!**

*Чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисида маълумот олиш, Корея Республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа чет давлатларда меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида маслаҳат олиш, шунингдек, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан билдирилаётган таклифларга аниқлик киритиш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига учрашишлари лозим.*

Таъкидлаш муҳимки, одам савдоси билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Унга барҳам бериш мақсадида юртимизда бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Мамлакатимизда 2008 йил 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек, 2008 йил 8 июлида эса Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 911-сонли Қарори қабул қилинди. Бунга кўра, одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, унинг аъзолари томонидан 2014 йилда "Одам савдоси – давр муаммоси" тарғибот концепцияси ишлаб чиқилди. Концепция давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг бўлиб, ёшларнинг мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши учун шарт-шароит яратади. Бинобарин, мамлакатимизда жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал салоҳияти юксак, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар қандай вазиятда тўғри йўл топа оладиган авлодни тарбиялаш учун оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги тизими яратилиб, бу жараёнга кенг жамоатчилик жалб этилган. Турли коллежларни битирувчи ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилиб, бундан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида айтилганидек: "Ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир". Бугун ёшларимиз интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳар куни дунё миқёсидаги ранг-баранг ахборотларни қабул қилмоқда. Биз эркин демократик жамият қуриш ниятида эканмиз, ёшларимизга ниманидир кўришни ёки эшитишларини тақиқлай олмаймиз. Лекин айни пайтда, фарзандларимизни "оммавий маданият" ниқоби остида тарқатилаётган, уларнинг маънавий оламига салбий таъсир кўрсатаётган ахлоқсизлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари таъсиридан асраб-авайлашимиз зарур. Агар уларни ана шу иллатлар таъсиридан ҳимоя қила олмас эканмиз, ўсиб келаётган авлод "одам савдоси"дек иллатнинг домига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу муаммо инсоннинг нафақат жисмоний кучини, балки унинг руҳияти, дунёқарашини пасайтириб, ҳаттоки маънавий қадриятлардан узоқлаштиради. Айрим шахслар содда юртдошларимизни бойлик орттириш, мўмай даромад тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб, Россия, Туркия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Тайланд, Сингапур давлатларига ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиб, сотиб юбормоқдалар. Бу миллатимиз учун катта фожиадир. Айниқса, бу ачинарли воқеаларга ёшлар ва аёлларнинг аралашганини асло кечириб бўлмайди. Мамлакатимизнинг ўзида ишлаб пул топиш, фаровон яшаш имкониятини бўлатуриб, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратилаётган бир пайтда уларнинг хорижга йўл олиши, хўрланиши, қул қилиб сотилиши ҳеч биримизнинг ғуруримизга, миллатимизнинг маънавий қадриятларига тўғри келмайди.

Хўш, нима учун айрим юртдошларимиз "одам савдоси" домига тушиб қолмоқдалар? Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишида бир нечта сабаблар бор:

* *одамларимиз содда ва ишонувчан;*
* *тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи;*
* *енгил иш топиш орзуси;*
* *ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик;*
* *айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлар орқали даромад топиши;*
* *жабрланганлар дунёқарашининг торлиги, саёзлиги;*
* *аҳоли ўртасида етарли даражада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик.*

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг ҳудудий филиаллари, туман ва шаҳарлардаги саломатлик марказлари даволаш-профилактика муассасалари тиббий ходимлари ҳамкорлигида 2014 йилда "Одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари" мавзусида аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бордилар. Жумладан, 2014 йилда 74 мингдан зиёд тадбир ўтказилиб, бунда 782 мингдан ортиқ аҳоли қамраб олинди. Телевидение орқали 100 дан ортиқ кўрсатув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилган бўлса, марказий ва ҳудудий нашрларда мутахассисларнинг 150 дан ортиқ мақолалари чоп этилди. Вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва "Огоҳ бўлинг, одам савдоси!" мавзуларида 54 мингдан зиёд тадбир ўтказилиб, унда 698 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. 400 га яқин радиосуҳбат эфирга узатилди, 30 га яқин босма нашрларда мақолалар чоп этилди. Жорий йилда ҳам одам савдосига қарши кураш бўйича кўплаб ишларни режалаштирганмиз.

Аҳоли тураржойларида, маҳаллаларда, жамоат ташкилотлари, таълим муассасаларида одам савдоси ва унинг асоратлари ҳамда унинг олдини олишда ҳуқуқий ва тиббий билимлар аҳамияти мавзуларига қаратилган маъруза, давра суҳбати ҳамда семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Ишонч телефонлари орқали аҳоли ўзи учун керакли бўлган маълумотлардан хабардор бўлмоқда. Булардан ташқари, "Фирибгарнинг тузоғига илинманг", "Боши берк кўчага кириб қолманг", "Одам савдосидан эҳтиёт бўлинг" каби мавзуларда буклет ва плакатлар, тарқатма материаллар тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда.

Хорижий давлатларга бориб, оғир мусибатларни бошидан ўтказиб қайтаётган инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил ноябрь ойидаги қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича **Республика реабилитация маркази** очилди. Марказда одам савдосидан жабр кўрганларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш борасида психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу ерда уларнинг соғлиғи ва руҳий ҳолати тўла текширувдан ўтказилиб, зарурий ёрдам кўрсатилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли кўрсатмасига асосан, марказга юборилаётганлар бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади. Шундан кейин уларга яшаш жойи бўйича диспансер назорати йўлга қўйилади.

Ҳаёти барбод бўлган, соғлиғидан айрилган, қадр-қиммати поймол этилган жабрдийдаларни ўз бағрига олиб, уларга ғамхўрлик кўрсатувчи марказнинг ташкил этилгани бу муаммога мамлакатимизда нечоғли катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

**Гулбаҳор АБДУЛЛАЕВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари.**

Долзарб мавзу

# ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯ:

## янги технологиялар инсоният учун

***Инсон организмидаги энг қаттиқ аъзолардан бири тишларсиз унинг саломатлиги ҳақида гапириш ҳам, фикрлаш ҳам мумкин эмас. Танани озиқлантиришда асосий хизматни ўтайдиган тишлар шунинг учун ҳам жуда эҳтиётланиши, тўғри парваришланиши керак. Стоматологлар ҳар бир кишининг йилига икки маротаба кўрикдан ўтиб туришини тавсия қилиши замирида соғлом тишга эга бўлишдек эзгу мақсад мужассамдир. Аммо баъзи кишиларнинг ўз тишларига эътиборсиз муносабатда бўлишлари туфайли оғиз бўшлиғида, тиш-жағ тизимида муаммолар юзага келади. Айниқса, тиш-жағнинг олд қисми ва озиқ тишлар функциясининг бузилиши оқибатида сунъий тишга эҳтиёж сезилади. Бундай пайтда киши стоматологга мурожаат қилиб, ўз муаммосини ҳал қилиб беришини сўрайди. Хўш, инсониятнинг сунъий тишдан фойдаланиш даври қайси даврга бориб тақалади? Бунда мутахассислар нималарга аҳамият бериши керак? Ҳозирги вақтда ортопедик стоматологияга қандай янги технологиялар кириб келмоқда? Уларни қўллашнинг самарадорлиги қандай? Ушбу мавзу юзасидан Тошкент Давлат стоматология институти “Госпиталь ортопедик стоматология” кафедраси ассистенти Фарҳод Усмонов билан суҳбатлашиб, қуйидаги интервьюни тайёрладик.***

– **Ҳаётда ҳар бир нарсанинг келиб чиқиш тарихи бор ва у ўша соҳага асос бўлиб хизмат қилади. Даставвал “қўлбола” тиш қўйиш тарихи бўйича фикрлашсак...**

– Рим империяси даврида тиш протезлаш кенг расм бўлган эди. Бунинг учун олтин, фил ёки ҳўкиз суяги, ёғочдан фойдаланилган. Протезни ҳунарманд, заргар, темирчи, металл ўймакор уста, сартарош ясаганлиги ҳақида ўқиганмиз. Уларнинг уй шароитида ва мавжуд имкониятдан фойдаланган ҳолда ясаган сунъий тишлари ҳали вужудга келмаган ортопедик стоматологиянинг илк кўринишлари бўлган. XI асрда яшаб ўтган араб табиби Абулқосим тиш протезлаш жараёнини табобатчиликнинг алоҳида бўлими, деб ҳисоблаб, қимирлаб қолган тишларни олтин ёки кумуш лигатура ёрдамида шиналаш усулларини батафсил таърифлаб берган. Уйғониш даври бўлган XV-XVI асрларда Парижда яшаб ўтган йирик жарроҳлардан бири Амбруаз Паренинг амалий тиш врачлиги соҳасида қилган хизматлари ҳам таҳсинга сазовор. У тушиб кетган тишлар ўрнига ўз ўтмишдошлари каби фил, ҳўкиз суяги ёки олтиндан тайёрланган воситаларни ўрнатган. Қаттиқ танглай ёриқларини обтуратор билан тўлдиришга биринчи марта уриниб кўрган киши ҳам Амбруаз Паредир. Кейинчалик 1728 йилда Пьер Фошар “Тиш хирургияси ёки тишлар ҳақида рисола” номли тиш врачлигига оид қўлланма нашр этиб, стоматология тарихида ўзига хос янгилик олиб кирди. У ҳозирги пайтда амалиётга татбиқ қилинган олиб қўйилувчи протезни пружина ёрдамида маҳкамлаш ғоясини илгари сурган ва ўзак-(штифт)ли тиш яратиш таклифини билдирган. Орадан кўп йиллар ва асрлар ўтиб, инсоният учун ортопедик стоматология жуда зарур эканлиги ойдинлашди ва кўплаб давлатларда стоматология институтлари ташкил қилина бошлади. Жумладан, мамлакатимизда стоматология мактабининг ташкил қилиниши ўтган асрнинг бошларига бориб тақаладиган бўлса, 2014 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Ушбу олий таълим муассасаси фаолиятида ортопедик стоматологиянинг илмий-назарий асосларини бўлғуси шифокорларга чуқур ўргатиш муҳим йўналиш ҳисобланади.

– **Фарҳод Комилжонович, ортопедик стоматология сунъий тишга эҳтиёж сезган кишининг муаммосини ҳал қилиб беришдек нозик ва мураккаб масала билан шуғулланади. Сунъий тиш қўйишда мутахассис нималарга эътибор қаратиши керак?**

– Тишлар нотўғри жойлашганда, ранги ўзгарганда, ораси очилиб қолса, даволаш қийин кечадиган кариеснинг асоратларида, ҳар бир кишида безовталик, ўз ташқи кўринишидан қониқмаслик ҳисси пайдо бўлиб, врач қабулига келади. Биз шифокорлар иш жараёнида бундай кишиларга кўп дуч келамиз. Улар орасида 25, 30, 40, 60 ёшга кирган юртдошларимиз бор. Беморнинг оғиз бўшлиғи стоматолог томонидан синчиклаб кўздан кечирилади, синган, бўшаб қолган ва ўз хизматини ўтай олмай қилган тишларда даволаш-профилактика ишлари ўтказилиши керак. Агар оғиз бўшлиғида касалланган тиш, протез қўйиладиган чегарада яллиғланиш ҳолати кузатилса, қопламани қўйишдан аввал бу жой охиригача даволаниши, ковак тишларни эса тозалаш ва пломбалаш лозим. Сунъий тиш олд тарафга ҳам, озиқ тишлар ўрнига ҳам қўйилиши мумкин. Қоплама оғиз бўшлиғига қотирилмасдан аввал таянч вазифасини ўтайдиган тишлар ва унинг атрофидаги пародонт тўқимаси яхшилаб даволаниши лозим. Даставвал милкларни яллиғланган даволашга катта эътибор берилади. Бунинг учун халқона усул – намакоб, шалфей, мойчечак ва эман пўстлоғи дамламаси, аччиқтош эритмаси билан чайишни тавсия қиламиз. Бу суюқликлар милк тўқималарини мустаҳкамлайди, таъсирчанлик даражасини оширади. Сунъий қопламани тишга ўрнатишда қуйидаги муҳим жиҳатга эътибор қаратиш керак: биринчидан, даволанган ёки олиб ташланган тиш ўрни 7-10 кун давомида санацияланади, яъни милк усти ва ости тиш тошлари, карашлардан тозаланади. Тиш атрофи милк тўқималари доимий тиш протезини ўрнатишга тайёр бўлсагина шифокор ҳеч қандай иккиланишсиз ишни охиригача етказиши мумкин. Бинобарин, таянч тиш ва унинг атроф тўқимаси меъёрий ҳолатга келгачгина унга сунъий қопламани ўрнатиш лозим.

– **Ясама тиш бир неча хилга бўлинади, бир-биридан фарқланади ва маълум муддатга мўлжалланади. Ортопедик стоматология мутахассислари мижознинг оғиз бўшлиғига мосини танлай билиши керак, бунда нима бирламчи роль ўйнайди?**

– Тиш протезлари олинадиган ва олинмайдиган хилларга бўлинади. Таркибига кўра, улар пластмасса, металл, чинни ва аралаш материаллардан тайёрланади. Тиш тайёрланадиган материал қанча содда бўлса, нархи ҳам шунча арзон. Шу билан бирга врач ҳамда тиш ясовчи техникнинг иш ҳақи протезнинг таннархини белгилашга таъсир кўрсатади. Ҳар бир протездан ўрта ҳисобда 5 – 7 йилгача фойдаланилади. Агар қоплама жуда сифатли ва талаб даражасида тайёрланган бўлса, бундан ҳам узоқ муддат хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Агар протез эгаси ундан фойдаланишнинг тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилса, ҳар 6 ойда стоматолог кўригидан ўтиб турса, қопламадан фойдаланиш муддати яна ҳам узаяди.

Ҳозирги вақтда олиб қўйиладиган ва олиб қўйилмайдиган протезларнинг энг замонавий турлари бўйича оғиз бўшлиғи тиш қаторларини тиклаш тажрибаси мавжуд. Ёнма-ён турувчи бир нечта тишлар бўлмаганда, кўприксимон протез ёки имплантант ўрнатишнинг иложи бўлмаган пайтда олиб қўйиладиган тиш протезининг замонавий тури, яъни бюгель билан протезлаш қўл келади. У табиий тишларга таянувчи қисми – кламмердан иборат ҳамда табиий тишларга ўрнатилган телескопик (иккиламчи) қопламага ёки унинг атрофига қулф-калит билан фиксацияланадиган мураккаб қисмлардан ташкил топган. Протезнинг бу хили оғиз бўшлиғига яхши ўрнашиб олгач, нуқсонлардан асар ҳам қолмайди. Қулф-калит протезнинг ички қисмида қолгани учун борлиги ҳам сезилмайди. Бюгель билан протезлаш натижасида одам таомни тишлаш, узиб олиш, бўлакларга бўлиш имкониятига эга бўлади. “Бюгель” нима деган савол туғилади? У нутқимизга немис тилидан кириб келган бўлиб, “ёй” деган маънони англатади. Унинг турлари кўп – илмоқли, рельсли, қулфли ва ҳоказо. У қисман олиб қўйиладиган протез тури бўлиб, оғиз бўшлиғи тиш қаторларида кўплаб тишларнинг йўқлиги, кўприк протезларни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатларда фойдаланилади. Тўлиқ ёки қисман олиб қўйиладиган сунъий тиш протезларидан ташқари, нейлонли протезлар ҳам тайёрланади. Ушбу протез тури валпласт деб номланган бўлиб, ушбу протезда қолдиқ мономер бўлмаганлиги сабабли, протез биомослик, мустаҳкамлик, нафислик ва ҳеч қандай аллергия чақирмаслик хусусиятига эгадир. Имплантантлар устига протезлаш анатомик-функционал хусусиятга эга жараён бўлиб, технология ривожланган ҳозирги даврда алоҳида йўналишга айланди. Тишлар имплантанциясининг эстетик имкониятларини кенгайтириш тиш касалликлари билан шуғулланувчи мутахассисларни ҳамиша қизиқтириб келмоқда. Энг муҳими, олиб қўйилувчи протезларга таянч тишларни чархлаб, унинг устидан қоплама қўйишга эҳтиёж сезмасликдир. Бунинг учун инсонга Аллоҳ-таоло томонидан ато этилган садафдек доимий тишларни асраб-авайлаш, парвариш қилиш, зарурат бўлмаса ҳам ҳар олти ойда шифокор-стоматолог кўригидан ўтиб туриш керак.

– **Ҳозирги вақтда ортопедик стоматологияда шундай принципга амал қилинади: протезлаш ортопедик даволаш, протез эса даволаш воситасидир. Бу эса соҳа тараққиётида янгидан-янги метод ва технологиялар ишлаб чиқилишини тақозо этади. Ана шу ҳақда қисман тўхталиб ўтсангиз.**

– Илгари тиш протезлаш шаклланиб бўлган ва яққол кўзга ташланувчи нуқсонларни тўғрилаш билан шуғулланган бўлса, юз-жағ системасида пайдо бўлган деформация ва нуқсонлар ортопедик стоматология мутахассисларини янада чуқуррок изланишга ундади. Вақт ўтиши билан патологияни бир томонлама ўрганиш профилактика йўналиши билан алмашди. Чунки тиш-жағ системасида учрайдиган касалликлар организмнинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Демак, тиш протезлашнинг ўзи фақат чайнаш вазифасини ва эстетик нормаларни тиклашга йўналтирилган бўлмай, кейинчалик тиш қаторларининг бузилмаслигини, окклюзион муносабатларнинг ўзгармаслигини, чакка пастки жағ бўғимида ва мускулларда функционал ҳамда морфологик ўзгаришлар келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Амалиётга кириб келаётган янгиликлардан бири уч ўлчамли сканер, компьютер ва дастурий бошқариладиган фрезали қурилмадан ташкил топган КАД/КАМ (CAD/CAM) тизимидир. У орқали қолип олинмасдан ортопедик стоматологияда катта, ўрта ва кичик тиш қатори нуқсонларини тиклаш учун энг мураккаб тиш протезларини қисқа вақт ичида аниқ ясаш имконияти мавжуд. Сканер ёрдамида оғиз бўшлиғининг чархланган ва келажакда протез қўйиладиган қисми сканерланади, сўнг маълумот компьютерга узатилади ва махсус дастурда қайта ишлаб чиқилади. Ушбу маълумот асосида тиш протезнинг аниқ шакли фрезерли ускунага узатилади ва мустақил равишда тайёр хом ашёдан сунъий қоплама чархланади. Юқори аниқликдаги технология саноқли дақиқа ичида сунъий тиш қопламасини юқори аниқликда ясаб беради ва қийинчиликларсиз мижознинг оғиз бўшлиғига ўрнатиш имкониятини яратади. Юз-жағ жарроҳлигида касаллик ёки жароҳат натижасида пайдо бўлган нуқсонни тиклаш ва унга сунъий жағни ясаш учун қўлланиладиган ускуна яна ҳам ақл бовар қилмас бўлиб туюлади. Томографик суръатга олиш ёрдамида компьютер орқали тикланиши керак бўлган соҳадаги нуқсон аниқланади ва юз қисмларини махсус компьютер дастури орқали виртуал тиклайди. Шундан сўнг ушбу дастур орқали тикланган электрон модель махсус лабораторияда 3Д (Objet Eden 260V) принтери орқали жағнинг аниқ модели тайёрланади. У ёрдамида трансплантант тайёрланиб, жарроҳлик амалиётидан сўнг беморнинг жароҳатланган юз қисми аввалги ташқи кўринишини тиклайди. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида синовдан ўтказилган сунъий қоплама тишлар мамлакатимиздаги стоматология клиникаларида ўзининг ижобий баҳосини олмоқда.

– **Табиий тишдан деярли фарқи бўлмаган сунъий қопламани кўрганда ҳақиқатан ҳам ажабланамиз. Демак, улар хорижий давлатлардан келтирилган маҳсулотлардан тайёрланар экан-да.**

– Тўғри, сунъий тиш, тиш протезларининг олиб қуйиладиган, олиб қўйилмайдиган турлари учун ишлатиладиган ҳом ашё ва пломба ашёларнинг турлари асосан, Россия, Европа, АҚШ, Япония давлатларидан олиб келинади, лекин шифокорда малака, эстетик синчковлик етарли бўлмаса, қимматбаҳо хом ашё сифатсиз маҳсулотга айланади. Мисол учун, юпқа 0,3 мм. қалинликдаги керамик пластика винир ана шундай қопламалардан бўлиб, қорайиб қолган ва сарғайиб кетган тишлар рангини ўзгарганда, диастема (ораси очилиб қолган тиш)ни тиклашда, тишлар шаклини ўзгартиришда ишлатилади. Ушбу металлсиз керамикали конструкция бир қанча ижобий жиҳатларга эга: ёруғлик ўтказувчанлиги яхши бўлгани учун юқори эстетик кўриниш бағишлайди, ташқи таъсиротларга чидамли. Металлсиз конструкция табиий тишларга шу қадар ўхшашки, уларни бир-биридан фарқлаш мушкул, унинг тагида турган тишлар умуман емирилмайди. Металлсиз конструкциянинг мустаҳкамлиги нимада, деган савол туғилади. Уни ясаш учун жуда пишиқ материаллар танланади. Цирконий диоксид асосида тайёрланган керамика пишиқ бўлгани учун ҳам ё ёрилиб ёки қорайиб кетмайди. Керамиканинг бу хили тишларни имплантация қилишда кенг қўлланилмоқда. Якка қоплама, кўприксимон протез ясашда ана шу керамикадан фойдаланиш ўз самарасини беради. Ички қисмига металл ўрнатилмайдиган керамика ўзининг турдошларидан фарқлироқ, бирламчи хусусиятларини йўқотмайди.

– **Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлиги ошмоқда. Барча қатламлар орасида ўтказилаётган тиббий кўрикка стоматолог ҳам жалб этиляпти, бу яхши. Аммо “Касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал”. Ҳар бир кишининг ўз тишларини соғлом сақлаши ва сунъий тишларга эҳтиёж сезмаслигида нима муҳим? Суҳбатимизни ана шу саволнинг жавоби билан якунласак.**

– Соғлом ва жозибадор табассумга нима етсин? Тишларида нуқсони бўлмаган кишининг соғлиги ҳам, кайфияти ҳам жойида, бунга асло шубҳа қилмаймиз. Бола туғилдими, биринчи навбатда уни она сути билан озиқлантириш, сут тишлари шаклланиб, доимий тишлари чиқишидан аввал унга ширинликларни меъёрида бериш, эрталаб ва кечқурун тишларни ва оғиз бўшлиғини тўғри тозалашга ўргатиш, қаттиқ нарсаларни тиши билан чақишига йўл қўймаслик, ўта иссиқ ва ўта совуқ таом истеъмол қилишдан тийилиш, тиш чўткасини ҳар 2-3 ойда алмаштириб туриш, ҳар 6 ойда стоматолог кўригидан ўтиб туриш, касалланган тишларни ўз вақтида даволатиш ҳар бирimизнинг шахсий ҳаётимизда қоидага айланиши керак. Ана шундагина лабдаги табассум мафтункор бўлиб, тиш протезига зарурат сезмаймиз, илоҳо шундай бўлсин.

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА суҳбатлашди.**

*Хотира: яхшилар ёди абадий*

# ҲАРБИЙГА ХОС ШИЖОАТЛИ, ШИФОКОРГА ХОС МЕҲР-МУРУВВАТЛИ

***Инсон яшаб ўтар экан, бу дунёда ўзидан яхши ном қолишини истайди ва қўлидан келган хизматини Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун адо этади. Охират манзилига йўл олгач, марҳумнинг эзгу ва савоб ишлари уни билган ва таниган кишилар томонидан ёдга олинади. Аввало, ундан қолган зурриётлар, қурган ва бунёд этган кўпригу бинолари, тарқатган илму маърифати, эл кори ва манфаати учун амалга оширган ишлари эътироф этилади. Қашқадарё вилоятининг энг кўркам ва обод шаҳарларидан бири бўлган Шаҳрисабзда туғилиб ўсган Қодир Садиров бугун орамизда бўлмаса ҳам у билан боғлиқ илиқ ва самимий хотиралар ёдга олинмоқда.***

Бўлғуси шифокорнинг отаси Сайфиддин ака педагог бўлгани учун фарзандлари тарбиясига алоҳида эътибор билан қарар, уларнинг мактабда пухта билим эгаллаши учун елиб-югурар, раҳбарлик лавозимида ишлашига қарамасдан, уч ўғил, уч қизининг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол улғайиши учун барча имкониятлардан фойдаланар эди. Тўнғич фарзанд Қодир ака ўз укасингиллари ичида зийраклиги, синчковлиги билан ажралиб турарди. 1964 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Қодир Садиров шифокор бўлиш орзусида ўз ҳужжатларини Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетига топширди. Ҳар жиҳатдан фаол талабалар институт раҳбарияти томонидан рағбатлантирилар, уларга турли имтиёзлар бериларди. Даволаш факультети деканати истеъдодли ва ташкилотчи, ҳар бир ишга ўта масъулият билан қаровчи талабалардан бири бўлган Қодирни ҳарбий шифокорликка тайёрлаш керак, деган қарорга келдилар. Шундай қилиб, қашқадарёлик талаба йигитнинг Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультетидаги ўқиш жараёни Саратов ҳарбий академиясига кўчирилди. Ҳарбий шифокорликнинг бутун сир-асрорларини таълим жараёнида мукаммал эгаллаган ёш мутахассис орадан икки йил ўтиб, Тошкентга қайтди.

Олий ўқув юртлари шундай даргоҳки, бирга ўқиган курсдошларнинг тақдири туташади ва улар оила қурадилар. Битта соҳада фаолият кўрсатиш жуфтликларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Қодир Садиров курсдоши қўқонлик Эътиборхонни бошқа қизлардан устун қўяр, сабаби, оғир, босиқ ва оқила курсдоши оилавий ҳаётда унга муносиб ҳамроҳ бўлишини кўнгли сезарди. Шу тариқа 1970 йил ҳар иккала курсдош ҳаётида тарихий сана бўлиб қолди – улар оилавий ҳаётда муносиб жуфтликка айландилар. Ёш оила соҳиблари уч нафар ўғил фарзандни тарбиялаб вояга етказиб, улар ҳам ўз ота-оналари каби илм-маърифатли, маънавиятли бўлиб ҳаётдан ўз ўринларини топдилар.

Ҳарбий шифокорликнинг масъулияти нимада? У Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар саломатлигини сақлашга, уларга қийин ва мушкул вазиятда кўмаклашишга тайёр турувчи касб эгасидир. Саратов ҳарбий академиясида ўзини ана шу соҳага руҳан-маънан тайёрлаган Қодир Садиров қаерга буюрилса, ўша жойга отланди ва ҳарбий шифокорликнинг масъулиятини сидқидилдан хизмат қилишда, ўз касбига хиёнат қилмасликда, деб билди. Ўзининг билимдонлиги, ташкилотчилиги ва тиришқоқлиги билан тан олинган Қодир Садиров 46 ёшида полковник ҳарбий унвонига сазовор бўлди. У Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг тиббиёт бошқармаси бошлиғи лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Мудофаа вазирлиги қошидаги марказий госпиталь филиали бошлиғи, Тошкент тиббиёт академияси ҳарбий кафедраси мудири вазифаларида ҳам фаолият кўрсатган Қодир Садировни сафдошлари, ҳамкасблари юксак инсоний фазилатлар соҳиби сифатида эслашади. У билан боғлиқ кечинмаларида Қодир Садировнинг ёрқин сиймоси кўз ўнгиларида гавдалангандек бўлади.



Шифокор эр-хотинлар қаерда хизмат қилишмасин, бирбирларига елкадош ва суянчиқ бўлдилар. Навбат билан дунёга келган фарзандлари кичик ёшда бўлишига қарамасдан қаерга юборишса, ўша жойга йўл олдилар. Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрига юборилган дамларини марҳум шифокорнинг рафиқаси Эътиборхон опа шундай хотирлайди:

– Ўғилларимиз Нодиржон, Алишер ҳали жуда кичкина эди. Қиш фасли, кўчага чиқиш "қаҳрамонлик" кўрсатиш билан баробар. Чунки 47 даража совуқни тасаввур қиларсиз. Турмуш ўртоғим ҳарбий қисмда ўз хизмат вазифаси билан банд, рўзғор учун нимадир керак, ҳеч кимни танимайман, шаҳарнинг қаерида нима жойлашган, менга қоронғи. У кишининг келишини пойлайман, вақт алламаҳал бўлиб кетади. Эртаси куни менинг қийналишимни истамаган турмуш ўртоғим керакли нарсаларни муҳаё қилгачгина ишга жўнайди. "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан" деганларидек, ўз юртингдан олисда яшасанг, кўп нарсани кўриб, турмуш ҳақидаги тушунча ва тасаввуринг кенгаяр экан. Энг муҳими, 44 йил мобайнида биз бир-биримизга ҳамиша далда бериб, суянчиқ бўлиб, таскин бағишлаб яшадик.

Донишманд ва алломаларимизнинг битикларида инсондан оқил ва доно фарзандлар қолса, бу унинг эзгу амалларидан бири эканлиги қайд қилинади. Қодир ака ва Эътиборхон опалар оиласида уч нафар ўғил фарзанд вояга етди. Тўнғич фарзандлари Нодиржон ота-онаси касбини танлаб, айни пайтда стоматолог бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Иккинчи ўғиллари Алишер Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тамомлаб, эл хизматида. Кенжа ўғиллари Улуғбек Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультети магистратура босқичини тамомлаб, "Coca-cola" компаниясининг етакчи мутахассисларидан биридир. Эътиборхон опа узоқ йиллардан бири Тошкент шаҳридаги 5-шаҳар клиник шифохонасида функционал диагностика бўлимининг бошлиғи сифатида бемор дардига ташхис қўйиш, аниқлаш ва даволаш ишларини ташкил қилишда ҳамкасбларига бош бўлиб келади.

Ўлим ҳақ, бу дунёга келмоқ ва охират манзилига кетмоқ бор. Турли лавозимларда элимиз саломатлигини сақлашдек савоб иш билан шуғулланган Қодир ака яқиндагина оламдан ўтган бўлса-да, у кишидан эслашга арзигулик ёрқин хотиралар қолди. Бу инсоннинг ҳаёт йўлига назар солган киши ҳарбийга хос шижоатни, шифокорга хос меҳр-мурувватни, оила бошлиғига ярашиқли қатъиятни, эр кишига мос мардликни кўради.

**Зеро, яхши инсонлар тириклигида қанчалик эъзоз ва ҳурматга сазовор бўлса, бу дунёдан ўтгач, қилган савоб амаллари билан янада кўпроқ эсга олинади. Ўз умрини шифокорликка бағишлаган Қодир Садиров билан ҳамкасблари, оила аъзолари, қариндош-уруғлари у тириклигида қанчалик фахрланган бўлсалар, охират манзилига кетгач, уни тез-тез ёдга олиб туришлари, қилган ишларини мамнун бўлиб эслашлари яна бир карра фахр бўлиб қолади.**

Хулкар КУЗМЕТОВА.

**СУРАТДА:** *Қодир Садиров оила аъзолари билан.*

*Ижтимоий ҳимоя*

# БЕМОР ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПИШ ОСОН ЭМАС

***Ўзбек аёллари ўзларига берилган таърифу тавсифига, энг эзгу сифатларига муносиблиги билан дунёни лол қолдирган. Ана шундай аёллар сирасига ўзининг ҳалол меҳнати, пок қалби, меҳрибон ва камтарлиги билан жамиятда ўрнини топган Мавлуда Ортиқовани киритиш мумкин.***

Мавлуда опа 1978 йилда Бухоро шаҳридаги 18-ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-даволаш факультетига имтиёзли равишда қабул қилинганини илк муваффақиятим, деб билади. Институтни аъло баҳоларда тамомлаб, Тошкентдаги клиникаларда фаолият бошлаган шифокор устозлари кўмагида билимларини амалиётда қўллай бошлади. У ўзининг билимдонлиги, талабчанлиги билан соҳанинг етакчи мутахассисига айланиб, туғилиб ўсган юрти Бухорога қайтиб, шаҳар клиник шифохонасида фаолият юритиш билан бирга, Бухоро Давлат тиббиёт институти аспиранти бўлди. У "Камқон аёллар асаб системасининг клиник патогенетик таснифи" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1996 йилдан бошлаб эса шу институтда катта ўқитувчи вазифасида иш бошлади. Илмий салоҳиятни шакллантириш йўлидаги изланишлар бесамар кетмади. Мавлуда Ортиқова "Болалар церебрал фалажлигида тутқаноқ синдромининг клиник-патологик таҳлиллари ва даволаш чора-тадбирлари" мавзусидаги докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Тажрибали, ўз касбининг фидойиси Мавлуда Ортиқова 15 йилдан буён Бухоро вилоят болалар психоневрология шифохонасининг бош врачи лавозимида ишлаб келмоқда. Албатта, бундай шифо масканларида ишлаш осон эмас. Шунингдек, туғма руҳий асаб касаллигига чалинган болаларни оёққа турғазиш, нутқ органини ривожлантириш нақадар машаққатли иш эканлигини барчамиз яхши биламиз. Бундай нуқсонли беморларда аниқ ташхис ва даво муҳимлигини англаб етган Мавлуда опа бор куч ва имкониятларини ишга солиб, аввало шифохонани капитал таъмирдан чиқариб, даволанувчилар учун барча шароит ва имкониятларни яратди.

Жонкуяр ва меҳрибон раҳбар болажонларга бекаму кўст шароит яратиш мақсадида "Ҳамма яхши нарсалар – болаларга" лойиҳаси устида йиллар давомида фаолият олиб борди. Лойиҳа муаллифининг меҳнатларини Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Есихиса Курода эътироф этиб, шифохона учун 84.4 минг долларлик 5 хил турдаги ташхис ва даволашда ишлатиладиган чет эл асбоб-ускуналарини элчихона гранти сифатида тақдим этди.

Ўз касбининг билимдони Мавлуда Ортиқова ҳам шифокорлик, ҳам раҳбарлик фаолияти давомида 17 тадан ортиқ илмий мақола ҳамда 2 та рисолага муаллифлик қилди.



Шунингдек, жорий йилда Австрия пойтахти Венада бўлиб ўтган Жаҳон неврологларининг конгресси ҳамда Москва шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиб, "Болалар церебрал фалажлигида тутқаноқ синдромининг клиник-патологик таҳлиллари ва даволаш чора-тадбирлари" мавзусида инглиз тилида маъруза қилди.

Ҳа, болажонлар қалбига йўл топиб, уларни ўз фарзандидек бағрига босиб, нажоткор қалбларга меҳр улашаётган Мавлуда Ортиқованинг кўп йиллик фаолиятига қисман тўхталдик, холос.

**Шифо масканида тузалиб, оиласи бағрига қайтаётган болаларнинг ота-оналари томонидан изҳор этилаётган эътирофларига гувоҳ бўлар эканмиз, Мавлуда Ортиқова ва унинг аҳил жамоасининг машаққатли меҳнатларига омад тилаб қолдик.**

Шоира РАҲМОНОВА,
Бухоро вилояти.

# *Республика врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш маркази маълум қилади*

## Республика врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш марказининг врач ва фармацевтларга малака тоифасини бериш бўйича 2015 йил компьютер-тест синовлари ва оғзаки имтиҳонларни ўтказиш бўйича ихтисослашган аттестация комиссияларининг йиғилиш муддатлари

| № | Комиссиялар номи | Компьютер-тест синовлари: ўтказиладиган сана | Компьютер-тест синовлари: бошланиш вақтлари | Оғзаки имтиҳон: ўтказиладиган сана | Оғзаки имтиҳон: бошланиш вақти |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Умумий амалиёт шифокори, оилавий тиббиёт ва тез тиббий ёрдам мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 10, 11, 12 ва 13 февраль | 9:00 ва 10:15 | 14 февраль | 9:00 |
| | | 24, 25, 26 ва 27 март | | 28 март | |
| | | 28, 29, 30 апрель ва 1 май | | 2 май | |
| | | 16, 17, 18 ва 19 июнь | | 20 июнь | |
| | | 8, 9, 10 ва 11 сентябрь | | 12 сентябрь | |
| | | 1, 2, 3 ва 4 декабрь | | 5 декабрь | |
| 2. | Ички касалликлар (терапия), аллергология ва иммунология, тиббий меҳнат экспертизаси, гастроэнтерология, гериатрия, реабилитология, курортология, физиотерапия, даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, нефрология, касб патологияси, диетология ва клиник фармакология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 17, 18, 19 ва 20 февраль | 9:00 ва 10:15 | 21 февраль | 9:00 |
| | | 31 март ва 1, 2, 3 апрель | | 4 апрель | |
| | | 9, 10, 11 ва 12 июнь | | 13 июнь | |
| | | 15, 16, 17 ва 18 сентябрь | | 19 сентябрь | |
| | | 10, 11, 12 ва 13 ноябрь | | 14 ноябрь | |
| 3. | Кардиология, интервенцион кардиология (ангиокардиография ва интервенцион муолажа), шошилинч кардиология ва кардиореанимация, шошилинч терапия ва кардиология, ревматология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 7, 8, 9 ва 10 апрель | 11:30 ва 12:45 | 11 апрель | 9:00 |
| | | 16, 17, 18 ва 19 июнь | | 20 июнь | |
| | | 10, 11, 12 ва 13 ноябрь | | 14 ноябрь | |
| 4. | Гематология, трансфузиология, эндокринология ва болалар эндокринологияси мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 10, 11, 12 ва 13 февраль | 14:00 | 14 февраль | 9:00 |
| | | 28, 29, 30 апрель ва 1 май | | 2 май | |
| | | 8, 9, 10 ва 11 сентябрь | | 12 сентябрь | |
| | | 10, 11, 12 ва 13 ноябрь | | 14 ноябрь | |
| 5. | Педиатрия, неонатология, болалар кардиологияси ва ревматологияси, болалар гастроэнтерологияси, болалар нефрологияси, болалар пульмонологияси, болалар юқумли касалликлари, чақирув ёшидаги ёшлар ва ўсмирлар касалликлари врачлик экспертизаси (ўсмирлар врачи), болалар аллергологияси ва иммунопрофилактика мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 17, 18, 19 ва 20 февраль | 11:30 ва 12:45 | 21 февраль | 9:00 |
| | | 31 март ва 1, 2, 3 апрель | | 4 апрель | |
| | | 19, 20, 21 ва 22 май | | 23 май | |
| | | 23, 24, 25 ва 26 июнь | | 27 июнь | |
| 6. | Акушерлик ва гинекология, болалар ва ўсмирлар гинекологияси, репродуктология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 24, 25, 26 ва 27 февраль | 9:00 ва 10:15 | 28 февраль | 9:00 |
| | | 7, 8, 9 ва 10 апрель | | 11 апрель | |
| | | 19, 20, 21 ва 22 май | | 23 май | |
| | | 23, 24, 25 ва 26 июнь | | 27 июнь | |
| | | 6, 7, 8 ва 9 октябрь | | 10 октябрь | |
| | | 8, 9, 10 ва 11 декабрь | | 12 декабрь | |
| 7. | Умумий хирургия, амбулатор хирургия, кардиохирургия, қон-томир хирургияси, абдоминал хирургия, колопроктология, трансплантология, микрохирургия, пластик хирургия, торакал хирургия, йирингли хирургия, шошилинч хирургия, фиброэндоскопия, оператив-даволаш лапороскопия, урология, андрология ва сексопатология, эндоурология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 3, 4, 5 ва 6 март | 9:00 ва 10:15 | 7 март | 9:00 |
| | | 14, 15, 16 ва 17 апрель | | 18 апрель | |
| | | 2, 3, 4 ва 5 июнь | | 6 июнь | |
| | | 27, 28, 29 ва 30 октябрь | | 31 октябрь | |
| | | 24, 25, 26 ва 27 ноябрь | | 28 ноябрь | |
| 8. | Травматология ва ортопедия, ортопедия, вертебрология, нейрохирургия, эндоваскуляр нейрохирургия, орқа мия нейрохирургияси, комбустиология ва рабиология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 10, 11, 12 ва 13 февраль | 15:15 | 14 февраль | 9:00 |
| | | 9, 10, 11 ва 12 июнь | | 13 июнь | |
| | | 10, 11, 12 ва 13 ноябрь | | 14 ноябрь | |
| 9. | Анестезиология ва реаниматология, интенсив терапия (ихтисосликлар бўйича), кардиожарроҳлик анестезиологияси, куйиш реаниматологияси, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, экстракорпорал детоксикация ва токсикология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 10, 11, 12 ва 13 март | 9:00 ва 10:15 | 14 март | 9:00 |
| | | 26, 27, 28 ва 29 май | | 30 май | |
| | | 13, 14, 15 ва 16 октябрь | | 17 октябрь | |
| | | 17, 18, 19 ва 20 ноябрь | | 21 ноябрь | |
| 10. | Клиник радиология, интервенцион радиология, рентгенология, ультратовуш ташҳиси, компьютер томографияси, магнит-резонанс томография, ядро тиббиёти мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 10, 11, 12 ва 13 март | 14:00 | 14 март | 9:00 |
| | | 2, 3, 4 ва 5 июнь | 15:15 | 6 июнь | |
| | | 17, 18, 19 ва 20 ноябрь | 14:00 | 21 ноябрь | |
| 11. | Юқумли касалликлар, умумий гигиена ва эпидемиология, эпидемиология, дезинфектология, паразитология, юқумли касалликлар эпидемиологияси, ўта хавфли инфекциялар эпидемиологияси, бактериология, карантин ва ўта хавфли инфекциялар бактериологияси, вирусология, санитар-гигиеник лаборатория текшируви, токсикологик текширув, радиологик текширув, умумий гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, овқатланиш гигиенаси, меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, радиацион гигиена, минерал ўғитлар ва пестицидларни қўллашни назорат қилиш гигиенаси, гигиена ва экологияда ахборот коммуникацион технологиялар, тиббий энтомология, иммунопрофилактика мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 24, 25, 26 ва 27 февраль | 11:30 ва 12:45 | 28 февраль | 9:00 |
| | | 31 март ва 1, 2, 3 апрель | 14:00 | 4 апрель | |
| | | 12, 13, 14 ва 15 май | 9:00 ва 10:15 | 16 май | |
| | | 23, 24, 25 ва 26 июнь | 14:00 | 27 июнь | |
| | | 6, 7, 8 ва 9 октябрь | | 10 октябрь | |
| | | 24, 25, 26 ва 27 ноябрь | | 28 ноябрь | |
| 12. | Умумий стоматология, болалар стоматологияси, терапевтик стоматология, парадонтология, ортопедик стоматология, ортодонтия, хирургик (оғиз бўшлиғи) стоматологияси ва юз-жағ хирургияси мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 10, 11, 12 ва 13 февраль | 11:30 ва 12:45 | 14 февраль | 9:00 |
| | | 24, 25, 26 ва 27 март | | 28 март | |
| | | 26, 27, 28 ва 29 май | | 30 май | |
| | | 6, 7, 8 ва 9 октябрь | | 10 октябрь | |
| | | 8, 9, 10 ва 11 декабрь | | 12 декабрь | |
| 13. | Неврология, болалар неврологияси, психиатрия, болалар ва ўсмирлар психиатрияси, наркология, психотерапия, суицидология, сексопатология и суд-психиатрия экспертизаси, иглорефлексотерапия, нейрофизиология, мануал терапия, тиббий психология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 10, 11, 12 ва 13 март | 11:30 ва 12:45 | 14 март | 9:00 |
| | | 28, 29, 30 апрель ва 1 май | | 2 май | |
| | | 9, 10, 11 ва 12 июнь | | 13 июнь | |
| | | 27, 28, 29 ва 30 октябрь | | 31 октябрь | |
| | | 1, 2, 3 ва 4 декабрь | | 5 декабрь | |
| 14. | Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, валеология ва тиббий статистика мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 24, 25, 26 ва 27 февраль | 14:00 | 28 февраль | 9:00 |
| | | 12, 13, 14 ва 15 май | 11:30 ва 12:45 | 16 май | |
| | | 13, 14, 15 ва 16 октябрь | 14:00 | 17 октябрь | |
| | | 15, 16, 17 ва 18 декабрь | 11:30 ва 12:45 | 19 декабрь | |
| 15. | Болалар хирургияси, болалар кардиохирургияси ва неонатал хирургия, офтальмология, болалар офтальмологияси, кўз микрохирургияси ва нейроофтальмология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 24, 25, 26 ва 27 март | 14:00 | 28 март | 9:00 |
| | | 19, 20, 21 ва 22 май | | 23 май | |
| | | 15, 16, 17 ва 18 декабрь | 9:00 ва 10:15 | 19 декабрь | |
| 16. | Пульмонология, фтизиатрия, болалар фтизиатрияси, фтизиохирургия, фтизиоурология, суяк тизими фтизиатрияси, фтизиогинекология, фтизиоофтальмология, дерматовенерология ва тиббий косметология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 3, 4, 5 ва 6 март | 14:00 | 7 март | 9:00 |
| | | 14, 15, 16 ва 17 апрель | 11:30 ва 12:45 | 18 апрель | |
| | | 16, 17, 18 ва 19 июнь | 14:00 | 20 июнь | |
| | | 13, 14, 15 ва 16 октябрь | 11:30 ва 12:45 | 17 октябрь | |
| | | 1, 2, 3 ва 4 декабрь | 14:00 | 5 декабрь | |
| 17. | Лаборатория иши, клиник лаборатория ташҳиси, клинико-биохимик лаборатория ташхиси, иммунобиологик ва иммунофермент диагностика, серологик текширув, полимер-занжир реакция (ПЦР) диагностикаси, тиббий генетика, функционал ташҳис, неврологияда функционал ташҳис, педиатрияда функционал ташҳис, кардиологияда функционал ташҳис мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 17, 18, 19 ва 20 февраль | 14:00 | 21 февраль | 9:00 |
| | | 26, 27, 28 ва 29 май | | 30 май | |
| | | 20, 21, 22 ва 23 октябрь | 9:00 ва 10:15 | 24 октябрь | |
| | | 8, 9, 10 ва 11 декабрь | 14:00 | 12 декабрь | |
| 18. | Умумий онкология, болалар онкожарроҳлиги, нурли терапия, онкоурология, онкоофтальмология, обдоминал онкохирургия, торакал онкохирургия, онкоколопроктология, таянч-ҳаракат тизими ўсмалари, бош ва бўйин ўсмалари, химиотерапия, онкогинекология, маммология, болалар онкологияси, оториноларингология, тиббий сурдология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 3, 4, 5 ва 6 март | 11:30 ва 12:45 | 7 март | 9:00 |
| | | 2, 3, 4 ва 5 июнь | | 6 июнь | |
| | | 8, 9, 10 ва 11 сентябрь | | 12 сентябрь | |
| | | 24, 25, 26 ва 27 ноябрь | | 28 ноябрь | |
| 19. | Патологик анатомия, цитологик диагностика, иммуногистохимик диагностика, суд-тиббий экспертиза, суд-тиббий экспертизада лаборатория иши, биопсия ташхиси мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси | 17, 18, 19 ва 20 февраль | 15:15 | 21 февраль | 9:00 |
| | | 26, 27, 28 ва 29 май | | 30 май | |
| | | 1, 2, 3 ва 4 декабрь | | 5 декабрь | |
| 20 | Фармация мутахассислиги ихтисослашган аттестация комиссияси | 3, 4, 5 ва 6 март | 15:15 | 7 март | 9:00 |
| | | 19, 20, 21 ва 22 май | | 23 май | |
| | | 15, 16, 17 ва 18 сентябрь | 14:00 | 19 сентябрь | |
| | | 24, 25, 26 ва 27 ноябрь | 15:15 | 28 ноябрь | |

**Изоҳ:** *ҳудудлар бўйича компьютер-тест синовлари ўтказиш кунлари:*
*сешанба – Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари;*
*чоршанба – Самарқанд, Жиззах, Фарғона ва Наманган вилоятлари;*
*пайшанба – Андижон, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари;*
*жума – Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари.*

Эътироф

# ҚАЛБ СЎЗЛАРИ БИТИЛГАН МАКТУБЛАР

***Техноген цивилизацияга эришган инсониятнинг ҳаётида қулайлик ва енгилликлар жуда кўпайди. Ҳозир кўпчилик қоғоз қоралаб, қайсидир манзилга хат жўнатишни эмас, балки мобиль алоқа воситасида гаплашишни, интернет орқали мулоқот ўрнатишни ёки қисқа хабар юборишни афзал кўрмоқда. Бу вақтни тежаши, тезкорликни таъминлаши мумкиндир, аммо қоғозга битилган қалб сўзларининг аҳамияти ва ролини “темир ўйинчоқ”да йўлланган SMS билан тенглаштириб бўлмаса керак.***



Юртимизнинг олис-яқин вилоятларида истиқомат қилаётган кишиларнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўллаётган миннатдорлик мактублари билан танишганимизда, бу фикрнинг нечоғли ҳаққоний эканлиги кўнглимиздан ўтади. Халқимиз саломатлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай, меҳнат қилиб келаётган шифокорлар шаънига билдирилаётган мактублар мазмуни билан танишиш вазирлик аппаратига ҳам, таҳририят ходимларига ҳам бир олам завқ бағишлайди.

корларни бир умр мамнуният билан эслайдилар.

– Биз ушбу шифохонанинг 3-очиқ бўлимида даволанар эканмиз, тиббий ҳамда маиший хизматнинг намунали ташкил этилишига бўлим мудираси, шифокор Г. Бешкемпирова бош-қош бўлаётганини ҳис қилдик. Н. Асатова, М. Ибрагимова, М. Болтабоева, Ш. Назиржонова каби ўнлаб ҳамширалар бош шифокор билан ҳамиша маслаҳатгўй эканлиги кўриниб турибди. Чунки беморга муолажа турини шифокор тайинлайди, ҳамшира буни амалга оширади. Бу ерда давола-

**шева шундай ёзади:** “Даволовчи-шифокор Нозима Умарованинг тавсиясига кўра, радиология бўлими мутахассиси Камола Обидовна менда нур терапиясини ўтказди. Бўлимда мен каби бемор аёллар учун яратилган қулайлик, хушмуомалалик ҳамда тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматдан барчамиз мамнун бўлиб, марказ директори, профессор Саримбек Наврўзовга ҳам алоҳида миннатдорлик билдиргимиз келади”.

**Бухоро шаҳри, Зулфия кўчаси, 15-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи Қаҳрамон Қурбонов** ўз мактубида Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари ва кўплаб мутахассислар шаънига илиқ ва самимий тилакларини йўллаб, шундай сўзлари ёзган: “Беморларга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган шифокорларга чин кўнгилдан таъзим қиламиз. Айниқса, Владислав Тян ва унинг ёрдамчиси З. Рамазонованинг менга кўрсатган беминнат ёрдамидан жуда мамнун бўлдим”.

**Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидан вазирликка мактуб йўллаган А. Муҳаммадиев** ҳудудий кўптармоқли марказий поликлиника раҳбариятига ҳамда бўлим бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатаётган С. Шорасулов, кундузги стационар врачи Т. Алимова, тиббиёт ҳамширалари Зуҳра Тўлаганхўжаева, Фаран-

даволаган профессор Бахтиёр Ғафуровнинг илиқ муомаласи ҳамда меҳрибонлиги тез кунда дарддан фориғ бўлишимга катта ёрдам берди. У кишининг ҳар бир бемор билан худди яқин кишисидек муносабатда бўлиши, унинг дардини тинглаши ва касаллик тўғрисида чуқур маълумот бериши ҳақиқий тиббиёт ходимининг ўз касбига бўлган иштиёқини кўрсатади. Қани энди, ҳамма шифокорлар шундай хислат эгаси бўлса, деган фикр кўнглимдан ўтди”.

**Соғлиқни сақлаш вазирлигига келган мактублардан яна бири Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Ринат Яфаровдан бўлиб,** унда Бекобод тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли тез тиббий ёрдам маркази травматологи А. Умрзоқовга, реанимация бўлими врачи Э. Бердиқулов ва бошқа шифокорларга чин дилдан миннатдорлик изҳор қилинган.

**Андижон вилояти Олтинкўл туманида истиқомат қилувчи 2-гуруҳ ногирони Соҳиба Аҳмадалиева** Республика ихтисослаштирилган аллергия марказида даволаниб чиқибди. У бу ерда меҳнат қилаётган марказ раҳбари, профессор Озод Назаров ва барча шифокорлар ҳамда ҳамшираларга қалби тубидаги энг самимий тилакларини йўллаган.

**Урганч тумани Юқори Дўрмон қишлоғидан вазирликка мактуб йўллаган Жуманазар Шарипов** шундай сўзларни ёзади: “Бемор ўзининг гавҳардек умрини, ҳаётини шифокорга ишониб топширади. Унинг ҳар бир сўзи ва қараши беморнинг оёққа туришида муҳим аҳамият касб этади. Урганч туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилинч тиббий ёрдамнинг хирургия бўлими шифокори Муродбек Душамов умр йўлдошимнинг ҳаётини сақлаб қолди. Бундай қувончни, шубҳасиз, у киши бошқаларга ҳам бахш этмоқда. Беморни дарддан халос қилиш жараёнида мен у кишининг малакали шифокор эканлигига тан бердим”.

Юртимизнинг турли ҳудудларидаги даволаш муассасалари қаторида санаторий типидаги дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқдаки, уларда турли касб эгалари ўз соғлиқларини тиклашга муваффақ бўлмоқдалар. **Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган “Товоқсой” санаторийсида** ҳар йили кўплаб кексалар дам олиб қайтишади. Ушбу даволаш маскани хизматидан бухоролик Зуҳра Хидирова, Навоий вилоятидан Саодат Жабборова, Шапоат ва Эшпўлат Олимовлар, Каттақўрғон туманидан Қодир ва Марзия Исломовалар сало-

*– Саломатликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини бошинг ёстиққа тегиб, касаллик билан кураша бошлаганингда яна ҳам чуқур ҳис қилар экансан, –* ***дея ўз мактубини бошлабди Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани, Алгоритм даҳаси, 9-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи Холида Қобулова.*** *– Ўтган йилнинг февраль ойидан бошлаб тобим бўлмай, йўталдан мадорим қолмади. Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академиясидаги шифокорлар кўригидан ўтганимда, улар Республика онкология илмий марказига мурожаат этишимни тавсия қилишди. Марказнинг онкогинекология бўлими илмий раҳбари, профессор Наргиза Йўлдошева мени илиқ қарши олиб, марказ қошидаги поликлиника кўригидан ўтиб келишимни айтди. Шифокор Гулшан Некованинг тавсиялари билан даволовчи-шифокор Висола Наврўзова, Одилжон Аҳмедовлар қабулида бўлгач, касаллигимга аниқ ташхис қўйилиб, даво муолажалари бошлаб юборилди. Мана, орадан анча вақт ўтиб, соғлигимда ижобий томонга ўзгариш бўлди. Бунинг учун мен муассасадаги барча шифокорларга, хусусан,* ***марказ директори, профессор Саримбек Наврўзовга*** *чин дилдан раҳмат айтиб қоламан.*

Мамлакатимиз чекка ҳудудларининг замонавий туғруқ мажмуаларида соғлом онадан соғлом фарзандларнинг дунёга келаётганлиги, бу албатта истиқлолимиз берган кенг имкониятдир. **Хоразм вилоятининг Хива тумани Б. Нуруллаев фермер хўжаликлари уюшмасида истиқомат қилувчи Назира Маткаримова** ана шундай туғруқхоналардан бирининг хизматидан мамнун бўлганини таъкидлаб, вазирликка мактуб йўллаган. У Хива туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқхона фаолияти ҳақида ҳикоя қилар экан, қизи Ленинза Ибодуллаева ҳамда жияни Гулсаранинг эсон-омон кўзи ёришида хизматини аямаган барча шифокорлардан ўз мамнунлигини билдиради.

**Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи Сайдулло Туропов** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири номига жуда кўп миннатдорлик мактубларини йўллаб келаётган юртдошларимиздан биридир. Унинг мактуби билан ҳар гал танишганимизда, оқ халатли шифокорларнинг беминнат хизмати туфайли беморда шукроналик, эртанги ҳаётга умид ва ишонч уйғонаётганига ишонч ҳосил қиламиз.

**Республика соғлиқни сақлаш вазирлигига келган мактублардан яна бири Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани Улуғбек номидаги фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Арслон Нуриддиновдан бўлиб, унда шундай сўзлар битилган:**

– Опам Навбаҳор Нуриддиновани вақти-вақти билан даволатиб турамиз. Якинда уни Тошкет шаҳрида жойлашган Республика руҳий касалликлар клиник шифохонасига даволатиш учун ётқиздик. Бу ерда бош шифокор А. Сейидов раҳбарлигида кўплаб ижобий ўзгаришлар қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Қисқа муддат ичида опам даволаниб, оила аъзоларимиз бағрига қайтди. Бунинг учун шифохона маъмурияти, унинг аҳил жамоасига илиқ ва самимий тилакларимни билдириб қоламан.

**Айнан ана шу шифохона жамоаси шаънига билдирилган мактублардан бирига 14 киши – Маҳбуба Сайфиева, Салим Ҳамроев, Баҳодир Ҳамидов, Карим Ҳошимов, Ботир Мўминкулов ва бошқалар имзо чеккан.** Шубҳа йўқки, бу ерда маълум муддат даволаниб чиққан беморлар ўзлари билан илиқ муносабатда бўлган шифо-

***Мамлакатимизнинг шимолий қисмида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси*** *экологик жиҳатдан хавфли минтақа бўлгани учун аҳоли ўртасида учраётган турли касалликларни даволашга катта эътибор қаратилиши керак. Республика пойтахти – Нукус шаҳридаги даволаш муассасаларида маҳаллий аҳолининг саломатлигини асраб-авайлаш, касалликларни ўрганиш ва ташхис қўйиш, турли ёшдаги кишиларнинг дарддан фориғ бўлиб кетиши учун барча имкониятлар яратилган.* ***Жумладан, Амударё туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги бўлимларда*** *даволаниб чиқаётган инсонлар бу ерда кўрсатилаётган тиббий хизматдан хурсанд эканликларини изҳор этадилар.* ***Нукус шаҳрининг Қоратоғ қишлоғида кўп йиллар участка нозири бўлиб ишлаган Ендирбой Идрисов*** *бу ерда ташкил қилинган даволаш ишларидан мамнун эканлигини шундай ифодалайди: “Шифохонага киришингиз билан унинг ҳовлисидаги табиат манзараси баҳридилингизни очиб юборади. Палата ва коридорлар саранжом-саришта, дори-дармонларни ўз вақтида қабул қилишга имконият яратилган. Мени 1-тоифали уролог Шуҳрат Жуманиёзов даволашга киришди. Қўли енгил, малакали бу мутахассис қовуғимга ўрнашиб қолган 0,50 граммлик қаттиқ безни муаммосиз олиб ташлади. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилмоқдаман. Мен каби бу шифохонада дардига даво топиб кетган беморлар жуда кўп. Менимча, шифокорлар жамоаси учун бемор раҳматини эшитишдан ортиқ бахт йўқ”.*

ниб чиққан бемор сифатида ҳар бир тиббиёт ходимининг хизматидан мамнун бўлдик.

**Ана шу даволаш муассасаси шифокорлари хизматидан мамнун бўлган Оҳангарон туманининг Қорахитой қишлоғида яшовчи Қудрат Одинаев, Бўстонлиқ туманининг Сойлиқ қишлоғидан Шокир Норимбоев ҳамда Янгийўл шаҳри, Адолат кўчаси, 46-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Раҳимжон Маҳкамовлар** бу ерда даволаниш, ювиниш, дам олиш, овқатланиш хоналари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланганини қайд этадилар. Бу мамлакатимизда тиббий ислоҳотларнинг аҳоли фаровонлигига йўналтирилиши билан бирга, халқимиз бундан катта манфаат кўраётганлигидан ҳам далолатдир.

**Барно Қораева Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Ингичка посёлкасида яшайди.** У фарзанд кўриш арафасида ўзини ёмон ҳис қилиб, Каттақўрғон шаҳридаги туғруқхонага келганини, бу ерда унга зудлик билан зарурий тиббий хизмат кўрсатилганини, эсон-омон кўзи ёриганини қувонч билан ёзади. Туғруқхона шифокорлари Зокир Усмонов, Матлуба Эгамбердиева, Малоҳат Ҳамроқуловалар қийин вазиятдаги барча ҳомиладор аёллар сингари унинг атрофида ҳам парвона бўлганини эътироф этади.

**Хоразм воҳасидан Тошкент шаҳрига келиб Республика онкология илмий марказининг онкогинекология бўлимида даволаниб кетган Зебо Йўлдо-**

***Андижон шаҳрининг Саноат кўчаси, 74-хонадонда истиқомат қилувчи Тўланхон Жўраевнинг*** *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов номига ёзган мактуби жуда қисқа ва лўнда. У невараси Нафиса Жўраева Андижон шаҳридаги руҳий касалликлар шифохонасининг болалар бўлимида даволаниб чиққанини, бу ердаги барча шифокорлар елиб-югуриб унинг соғлигини тиклашга кўмаклашганидан хурсанд.*

*–* ***Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли*** *вилоят кўп тармоқли марказида мен каби беморлар соғлиги учун ўтказилаётган операциялар муваффақиятли якунланмоқда. Мазкур шифо масканида малакали шифокорлар томонидан операция амалиётини бошдан кечирдим. Айниқса, тажрибали мутахассислар Баҳодир ва Муҳиддин Зикриллаевлар, Темур Орипов, Шерзод Жўраев, Бозорбой Обидовлар меҳнатини алоҳида тилга олса арзийди. Шундай қалби дарё инсонлар бор экан, биз каби дардмандларнинг умрига умр, ёшига ёш қўшилади, –* ***деб мактубини якунлайди Сайдулло Туропов.***

гиз Шокирова, Дилфуза Маликоваларнинг беминнат хизматидан боши кўкка етганини маълум қилади.

**Кимё Мамадалиева Юнусобод туманининг “Мингўрик” маҳалласида истиқомат қилади.** “Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади” деганларидек, у яқинда Тошкент вилояти марказий шифохонасида даволаниб чиққанини ҳикоя қилади: “Мени ўз билим ва тажрибаси билан

матликларини тиклаб қайтганини уларнинг мактубидан сезиш қийин эмас. “Товоқсой” санаторийсининг 250 ўринга мўлжалланган янги биносини 2015 йилда ишга тушириш режалаштирилган экан. Агар бу иш амалга ошса, биз каби пенсионерларнинг бу ерда саломатлигини тиклаш имкониятлари янада кенгаяди”, деб ўз мактубларини якунлайди улар.

**Бундай қалб сўзларини ўзида жамлаган мактубларнинг кети узилмайди. Бинобарин, мактублар оқими мамлакатимиз даволаш муассасаларида шифокор деган улуғ номни ҳар жиҳатдан оқлаётган кишилар фаолият кўрсатаётганининг яққол исботидир. Халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, ҳар бир кишига мушкул вазиятда ёрдам кўрсатиш, беморнинг миннатдор чеҳрасига боқишдек бахт ва имконият сизни асло тарк этмасин, азиз ва муҳтарам шифокорлар.**

**Мактубларни Ҳулкар КУЗМЕТОВА ва Намоз ТОЛИПОВ шарҳлади.**

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

### Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур тумани, Жанггоҳ мавзеси, 12-уй, 55-хонадон | "EURO SMILE NUR" хусусий корхонаси | Ю-0347 05.12.2009 й. берилган |
| 2 | Тошкент шаҳри | Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 1-уй, 20-хонадон | "MIRAMED-ORTOS" МЧЖ | 0117-02 30.05.2012 й. берилган. **Амал қилиши 23.06.2014 йилда тугаган.** |
| 3 | Тошкент шаҳри | Юнусобод тумани, 19-мавзе, 27-уй, 23-хонадон | "TACO MED" хусусий корхонаси | Ю-0386 30.12.2009 й. берилган |
| 4 | Тошкент шаҳри | Чилонзор тумани, Энергетик кўчаси, 31-уй | "DERMATOLOG SAIDQOSIM ARIFOV" МЧЖ | Ю-0296 05.12.2009 й. берилган |
| 5 | Тошкент вилояти | Янгийўл тумани, Гулбаҳор ҚФЙ, Ш.Рашидов кўчаси, 2-А уй, 3-хонадон | "ALIYA DOKTOR SERVIS" хусусий корхонаси | Ю-0349 05.12.2009 й. берилган |
| 6 | Тошкент вилояти | Чирчиқ шаҳри, Электромашинасозлар майдони, 1-уй | ОАЖ шаклидаги "CHIRCHIQ TRANSFORMATOR ZAVODI" қўшма корхонаси | Ю-0273 14.10.2009 й. берилган. **Амал қилиши 14.10.2014 йилда тугаган.** |
| 7 | Сурхондарё вилояти | Термиз шаҳри, Зулфия кўчаси, 2-уй | "АЗИЗА МЕДСЕРВИС" хусусий корхонаси | Ю-0153 24.08.2009 й. берилган. **Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.** |
| 8 | Қашқадарё вилояти | Шаҳрисабз шаҳри, Кунчиқар ҚФЙ, Ф.Хўжаев кўчаси, 35-уй | "SAMARA END KO SHAHRISABZ" МЧЖ | Ю-1127 01.12.2011 й. берилган |
| 9 | Самарқанд вилояти | Самарқанд тумани, Охалик ҚФЙ, "Сулфакабутак" маҳалласи | "ЛУҚМОНИ ҲАКИМ" хусусий корхонаси | Ю-0155 24.08.2009 й. берилган. **Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.** |
| 10 | Жиззах вилояти | Жиззах шаҳри, "Ёшлик" маҳалласи, 119-уй, 25-хонадон | "Рискли тиш" МЧЖ | Ю-0984 20.06.2011 й. берилган |
| 11 | Андижон вилояти | Хўжаобод тумани, Олтин водий ҚФЙ, Бешқовоқ МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси | "GEPAMED-SERVIS" хусусий корхонаси | Ю-0323 05.12.2009 й. берилган |
| 12 | Хоразм вилояти | Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 21-уй, 42-хонадон | "ХОРАЗМ ЯНГИ ДЕНТ" хусусий корхонаси | Ю-0224 14.10.2009 й. берилган. **Амал қилиши 14.10.2014 йилда тугаган.** |
| 13 | Хоразм вилояти | Гурлан шаҳарчаси, Феруз кўчаси, 14-уй | "MAHMUDJON MUZAFFAR" хусусий корхонаси | Ю-0186 24.08.2009 й. берилган. **Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.** |
| 14 | Хоразм вилояти | Шовот тумани, Ж.Мангуберди кўчаси, 5/1-уй | "Доктор Мурод" хусусий клиникаси | Ю-0114 23.06.2009 й. берилган. **Амал қилиши 23.06.2014 йилда тугаган.** |

### Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд вилояти | Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 59-уй | "EVROMEDIK" МЧЖ | 2198-00 30.09.2013 й. берилган | Самарқанд вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 17 ноябрдаги 14-1404/14705-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди. |
| 2 | Фарғона вилояти | Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 73-А уй | "MAESTRO DENTAL" хусусий корхонаси | Ю-1008 28.08.2011 й. берилган | Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 20 ноябрдаги 15-1404/16697-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди. |
| 3 | Фарғона вилояти | Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уй | "ФЕРГАНА ДЕНОЛЬ ИМПЕКС" хусусий корхонаси | Ю-0779 30.11.2010 й. берилган | Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 20 ноябрдаги 15-1404/16698-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди. |

### Амал қилиш муддати тикланган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бухоро вилояти | Бухоро тумани, Бухоро шоҳкўчаси, 15-уй | "LO'BAT HASANOVA" шифохонаси | 1480-00 21.08.2012 й. берилган | Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 3 ноябрдаги 20-1404/10478-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тикланди. |

*2014 йил 25 декабрдаги 15-сонли қарорига 1-илова*

### Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳри | Чилонзор 9-даҳа, 26-уй, 25-хонадон | "DOKTOR ASALBEK" МЧЖ | Ю-0437 30.01.2010 й. берилган |
| 2 | Тошкент шаҳри | Учтепа тумани, Х.Турсунқулов кўчаси, Чилонзор 15-мавзе, 24-25-уйлар | "Rustam Shifo Qurg'oni" МЧЖ | Ю-0278 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 3 | Тошкент шаҳри | Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 80-уй | "NIKOX VA OILA" МЧЖ | ПЮ-3299 28.03.2011 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 4 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарбоза кўчаси, Туркшелк кўчаси, 11-уй | "NURILLA-NIGORA" МЧЖ | Ю-0331 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 5 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарбоза кўчаси, 1-уй, 1-хонадон | "AL-STOM PLUS" МЧЖ | Ю-0332 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 6 | Тошкент шаҳри | Учтепа тумани, Чилонзор 13-мавзе, 26-уй, 3-хонадон | "NEROFAX-B" МЧЖ | Ю-0332 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 7 | Тошкент вилояти | Ўрта Чирчиқ тумани, Янги ҳаёт қўрғони, Шарқ юлдузи кўчаси, 8-уй | "DOKTOR BAHTIYOR DENTA SERVOS" хусусий корхонаси | Ю-0368 30.12.2009 й. берилган |
| 8 | Сирдарё вилояти | Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй | "ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ" нодавлат нотижорат ташкилоти | Ю-0932 24.05.2011 й. берилган |
| 9 | Самарқанд вилояти | Самарқанд шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 21-А уй | "ОҚ ТОШ" кўптармоқли ишлаб чиқариш савдо фирмаси | Ю-0313 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 10 | Фарғона вилояти | Фарғона шаҳри, А.Тўқай кўчаси, 89-уй, 1-хонадон | "ФАРҒОНА НОСИР ТЕМИР" хусусий корхонаси | Ю-0335 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 11 | Андижон вилояти | Хўжаобод тумани, Хўжаобод ҚФЙ, Янги Чек МФЙ, Янги Чек кўчаси, 191-уй | "SHIFOKOR" хусусий тиббий корхонаси | Ю-0321 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 12 | Андижон вилояти | Балиқчи тумани, Ўрмонбек ҚФЙ, Ўрмонбек қишлоғи | "ДИОГЕН ЛЮКС" хусусий корхонаси | Ю-0315 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 13 | Андижон вилояти | Жалақудуқ тумани, Ёрқишлоқ ҚФЙ, Ғалаба кўчаси, 7-уй | "АБДУЖАЛИЛ АЛ-АБДУЛВАЛИЙ" МЧЖ | Ю-0393 30.12.2009 й. берилган |
| 14 | Наманган вилояти | Наманган шаҳри, Гўзал даҳаси, Гўзал кўчаси, 7-уй | "ZARNIGOR SHIFO SERVIS" хусусий корхонаси | Ю-0291 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 15 | Наманган вилояти | Учқўрғон тумани, Қўғай ҚФЙ, Қўғай ҳудудий шифохонаси | "TOJIBOEVA NILUFAR OTAMIRZAEVNA" хусусий корхонаси | Ю-0336 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 16 | Наманган вилояти | Наманган шаҳри, 2-кичик туман, 165-уй, 31-хонадон | "DIAGNOZ-ULTRA MED SERVIS" хусусий корхонаси | Ю-0471 27.02.2010 й. берилган |
| 17 | Наманган вилояти | Наманган шаҳри, Б.Машраб кўчаси, 10-уй | "HUMOYUNMIRZO" хусусий фирмаси | 1998-00 26.06.2013 й. берилган |
| 18 | Наманган вилояти | Наманган шаҳри, Қ.Отамирзаев кўчаси, 83-уй | "SARA DENTA SERVIS" хусусий корхонаси | Ю-0642 27.07.2010 й. берилган |
| 19 | Наманган вилояти | Наманган шаҳри, Ирригатор кўчаси, 2-уй | "BEGZOD SOG'LIK SERVIS" хусусий корхонаси | Ю-0339 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 20 | Қашқадарё вилояти | Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 413-А уй | "Нуробод" хусусий даволаш ва ташхис қўйиш маркази | Ю-0275 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 21 | Сурхондарё вилояти | Термиз шаҳри, А.Навоий кўчаси, 21-А уй, 4-хонадон | "ДИЁРА БОНУ СУРХОН" хусусий корхонаси | Ю-0316 05.12.2009 й. берилган. Амал қилиши 05.12.2014 йилда тугаган. |
| 22 | Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус шаҳри, А.Бегимов кўчаси, 165-уй | "ZLIXA NUKUS" жуўапкершилиги шекленген жемийети | 1372-00 15.06.2012 й. берилган |

### Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Хоразм вилояти | Янгиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 37-уй | "ЎРУН" хусусий фирмаси | Ю-1006 19.07.2011 й. берилган | Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 21 ноябрдаги 22-1402/10741 сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди. |
| 2 | Бухоро вилояти | Бухоро шаҳри, А.Сомий кўчаси, 9-уй, 16-хонадон | "ILHOM SHIFO STOMASERVISI" МЧЖ | Ю-0582 31.05.2010 й. берилган | Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 20-1302/11972-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди. |

### Ўз хоҳишига кўра амал қилиши вақтинча муддатга тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд вилояти | Каттақўрғон тумани, Пайшанба шаҳарчаси, Равот кўчаси, 8-уй | "YUSUF RAHIM HEALTH GROUP" МЧЖ | 1311-00 04.05.2012 й. берилган | 2014 йил 02 декабрдаги 14-сонли хатига асосан (02.12.2014 йилдан 02.06.2015 йилга қадар) 6 ойга |

*2015 – год внимания и заботы о старшем поколении*

# ВОЗРАСТ СПОРТУ НЕ ПОМЕХА

**В этом году Ивану Павловичу Митякину, подполковнику МВД в отставке, фронтовику, исполнится 96 лет. Он любит спорт, пропагандирует здоровый образ жизни и, несмотря на столь почтенный возраст, регулярно занимается бегом.**

Его энергии и оптимизму можно позавидовать, а ведь за спиной непростая жизнь. Он родился в 1919 году. За свою долгую жизнь Ивану Павловичу довелось многое увидеть и немало пережить. Был на фронте, видел все ужасы войны, получил две тяжелые контузии, но снова становился в ряды бойцов. Позже, правда, раны на ногах стали сказываться, и пришлось выбрать мирную и благородную профессию учителя.



– Я знаю, что такое война не понаслышке и рад тому, что живу в стране, где царит мир и покой, – говорит ветеран.

– Что Вам помогло встать на ноги после перенесенных ран? – спрашиваю Ивана Павловича.

– Во-первых, я старался всегда надеяться на себя, в силу самовнушения верил постоянно, даже сейчас. На фронте мысль о движении выручала. Марш-броски ночью по 45 км послужили мне базой к занятию ходьбой и бегом в гражданское мирное время. По возможности, между боями, занимался гимнастикой и растирал тело снегом. Все это, отразилось на быстрой поправке организма. Бросил курить, стал следить за питанием. Несколько лет был вегетарианцем. В квартире стал делать гимнастику, позже, на стадионе начал заниматься ходьбой и потом уже перешел на бег. Первым, кто подсказал, как заниматься бегом, был известный в республике тренер Юрий Арзуманов. Потом судьба свела с Юрием Козловым, членом клуба любителей бега "Кентавр". Немаловажную роль для меня сыграли книги Б. Полевого "Повесть о настоящем человеке", Г. Гилмора "Бег ради жизни". "Бег, которым занимаюсь с 1996 года, укрепил мое здоровье, – говорит ветеран. – Уже 20 лет не болею гриппом". Иван Павлович – участник и победитель различных соревнований и марафонов. В настоящее время Иван Павлович Митякин продолжает ходить на стадион "Чиланзар", говоря: "возраст спорту не помеха". Этот девиз помогает держать себя в форме и никогда не падать духом.

**А. ПОПОВ.**
**Фото автора.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

**Беморларни даволаш ва назорат қилиш орқали ҳудудда ногиронликни камайтириш асосий вазифаларимиз деб биламиз. Жамоамиз мазкур йўналишдаги ишларни кучайтириб, ижобий натижаларга эришди. Жумладан, қайта ногиронлик 92 нафарга камайди.**

Республикамизнинг тиббий меҳнат эксперт соҳасига оид ҳужжат ва қарорлари Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг йиғилиш қарори ҳамда буйруқлари билан танишиб, ходимлар ўртасида, шунингдек, шифохона ва поликлиника шифокорлари билан ногиронликнинг олдини олиш бўйича ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Урганч шаҳридаги реабилитация марказида ногиронлар тиббий-ижтимоий, касбий реабилитация қилиниб, даволашнинг янги усуллари қўлланилиши, замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозланганлиги, ижара пунктлари ташкил этилганлиги, юқори малакали мутахассислар борлиги ногиронларни реабилитация қилишда самара бермокда. Жумладан, ўтган йилда 58 нафар ногирон тўлиқ, 261 нафар ногирон эса қисман реабилитация қилинди. Тиббий муассасаларда ногиронларни якка тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлари томонидан назоратга олиниб, аниқланган хато ва камчиликлар поликлиника врачлари билан муҳокама этилмоқда.

Албатта, ҳар бир фаолият изчиллик билан олиб борилиши ва унга жиддий ёндошув ишлар самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади.

**Озод ҚУРБОНОВ,**
**Хива туманлараро 98-сонли ТМЭК раиси.**

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатимизда олиб борилаётган давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жабҳада аҳолининг ҳеч бир қатлами эътибордан четда қолмаяпти.

Айни кунда белгиланган жадвал асосида Хазорасп ҳамда Боғот туманларида истиқомат қилаётган бемор ва ногиронларни тиббий кўрикдан ўтказиб, улар саломатлигини назорат қилиб келмокдамиз. Жумладан, ногиронликнинг олдини олиш, уни тўғри белгилаш, реабилитация қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмокда. Маълумки, ногиронлик тиббий экспертиза комиссияси шифокорлари томонидан мавжуд меъёрий низомларга мувофиқ белгиланади. Шунга кўра, аҳоли орасида ногиронлик билан касаллик ўртасидаги фарқ бўйича таргибот ишларини олиб бораяпмиз. Самарали ишлар натижасида кўплаб ногиронлар соғломлаштирилиб, меҳнат фаолиятига қайтишди.

**Азамат АТАБАЕВ,**
**Хазорасп туманлараро 97-сонли ТМЭК раиси.**

Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси жамоаси касалхона бўлим мудири
**Абдурашид АБДАЛИЕВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти психиатрия ва психотерапия кафедраси жамоаси Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси бўлим мудири
**Абдурашид АБДАЛИЕВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

*Ёш оилаларга маслаҳат*

# КИЧКИНТОЙ ДЎМБОҚ БЎЛСА...



Ёш бола вазнининг меъёрдан ортиши улар соғлиғи билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг оқибатида ҳатто юрак қон-томир касалликлари пайдо бўлиши, моддалар алмашинуви бузилиши ва қонда қанд миқдорининг ортиши рўй беради. Илк ёшдаги болаларда семизлик ривожланишининг бир қанча сабаблари бор.

**Биринчидан,** оилада ота ёки она тўладан келган бўлса фарзандларда ҳам семизликка мойиллик кузатилади.

**Иккинчидан,** болани гўдакликдан тартибсиз ва кўпинча мажбурлаб овқатлантириш кейинчалик семизликка олиб келади.

**Учинчидан,** бола ошқозонининг физиологик ҳажми 200-250 мл. бўлиб, у шунча миқдордаги овқатни егандан сўнг унда тўйиш ҳисси пайдо бўлади. Агар кичикликдан у пала-партиш овқатлантириб келинган бўлса, бола меъдаси талаб қилганидан кўпроқ овқат ейишга ўрганади ва вазни тўлиша бошлайди.

**Тўртинчидан,** ҳозирги вақтда болалар туғилганидан то мустақил юриб кетгунга қадар камҳаракат бўлишади, яъни уларни катталар доим болалар аравачасида олиб юришади, бунинг эвазига уларда семиришга имконият яратилади.

Хуллас, кичкинтойнинг семириб кетиши саломатлик учун хавфли ҳисобланади. Чунки семираётган кичкинтойнинг танасида ёғ йиғила боради. Шундан сўнг унда иммунитет пасайиши, ташқи таъсирларга чидамсизлик, гавда ҳолатида нуқсонлар пайдо бўлиши кузатилади. Бундан ташқари, семиз болакайлар ўта дангаса бўладилар, кам ҳаракат қилиши сабабли танасида қон айланиши ёмонлашади, кундалик ҳаёт тарзи билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Оналар шуни унутмасликлари керакки, фарзандининг вазни меъёридан орта борса, албатта зарур чора-тадбирларни кўришлари шарт.

**Бу борада маслаҳатларимиз қуйидагича:**

*- кичкинтойга сабзавотлардан салатлар тайёрлаб единг;*

*- ширинликларни камроқ берганингиз маъқул;*

*- зираворли таомлар бола иштаҳасини очади, шунинг учун кичкинтой овқатига зираворлар қўшмаган маъқул;*

*- таомлар ёғсиз қатиқ, шакари камроқ компот ва мева пюрелари билан биргаликда едирилса, натижа ижобий бўлади;*

*- ҳар куни эрталаб болани бадантарбия қилишга одатлантиринг;*

*- миллий ҳаракатли ўйинлар билан шуғулланиб турса, янада яхши.*

Умуман, болалар семириб кетмаслиги учун оналар уларнинг кундалик овқатланишларини назорат қилишлари керак. Нордон, аччиқ таом ва ширинликларни дастурхонга қўймаган маъқул. Боланинг овқатлари ёғда кўп қовурилмаслиги, буғда димлаб ёки сувда қайнатиб пиширилиши лозим.

Кўрилган чора-тадбирлар наф бермасдан, боланинг вазни оша борса, албатта, эндокринолог шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

**Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 7093 нусха.
Буюртма Г-158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.